O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 26-iyul ● Seshanba ● 90 (27.425) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

АСОСИЙ МАҲСУЛОТ — ХОРИЖГА

«Поп-Фен» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги ўзбек-турк қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига етти йил бўлди. Ўтган давр ичида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни четга экспорт қилиш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида 1932 тонна ёки 4,2 миллиард сўмлик калава-ип ишлаб чиқарилди. Ўз навбатида хорижга 2442 тонна маҳсулот экспорт қилинди. Бу эса корхона ҳисобига 5 миллион АҚШ доллари тушди, дегани.

Бугунги кунда қўшма корхонада 400 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларга бепул иссиқ овқат ҳамда транспорт воситаси хизмати кўрсатилмоқда.

Суратларда: «Поп-Фен» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг ишчиси Малика Эргашева; корхонанинг қизлари.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раиси Аслиддин Рустамов бошқарган йиғилишда депутатлар қатор қонун лойиҳаларини муҳокама этиб, ўз нуқтаи назарларини белгилаб олдилар.

Фракция аъзолари дастлаб иккинчи ўқишда палата мажлиси кун тартибига киритилаётган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини муҳокама этдилар. Мазкур қонун лойиҳаси қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Ушбу тўғрисида ахборот берган фракция аъзоси Фахриддин Ражабов лойиҳанинг жуда зарурлигини, фаолият доираси жуда кенг эканлигини таъкидлади.

— Шунинг билан бирга, — деди депутат, — лойиҳанинг айрим талабга жавоб бермайдиган моддалари бор. Ёзилиши жуда мураккаб, оғир тилда ифодаланган. Тушуниш қийин. Ижодкорлар, ижодий ишлар (асарлар, аудио, аудиовизуал... маҳсулотлар) яратувчилари, турдош ҳуқуқ эгалари, ёзиб олувчилар, тарқатувчиларнинг ҳуқуқлари кўрсатилган. Лекин, уларнинг мажбуриятлари белгиланмаган. Қонуннинг мақсади (1-модда)да ҳам ноаниқликлар бор.

Яна бир масала. Лойиҳанинг 68-моддасида шу қонуннинг қоидаларини бузганлик учун фуқаровий, маъмурий, жиноий жавобгарликка тортилиш белгиланган. Шундай экан, айни вақтда бу билан боғлиқ Фуқаролик, Маъмурий, Жиноят кодексларига ўзгартиш киритиш тўғрисида ҳам қонун лойиҳаси киритилиши керак эди...

Улардан ташқари, депутат қонун лойиҳасида яна бир қанча тўлдирадиган жойлари бор эканлигини ҳам таъкидлади.

Шундан сўнг фракция аъзолари «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу юзасидан фракция аъзоси Улуғбек Вафоев ахборот тингланди. Шундан сўнг депутатлар «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш)ни муҳокама қилдилар. Ушбу масала бўйича фракция аъзоси, Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Изидор Кочмарик ахборот берди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, депутатлар Ўзбекистон ХДП позициясидан келиб чиқиб, қатор муҳим таклифларни билдирган эдилар.

Мазкур йиғилишда ҳам ушбу қонун лойиҳаси яна бир бор қизғин муҳокама этилди. Ўзбекистон ХДП анчадан буён уй-жой коммунал хизматларда юзага келган кўпгина муаммоларни кўтариб келмоқда. Хусусан, коммунал тўловлар борасидаги ягона таъриф сиёсатини ишлаб чиқиш, таърифларнинг асоссиз ошиб кетиши олдини олиш ҳамда коммунал хизматлар сифатини талаб даражасига олиб чиқиш каби қатор масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП бир қатор «давра суҳбатлари» ўтказди. Уларда тегишли ташкилотлар вакиллари ҳамда фуқароларнинг фикрлари ўрганилди. Қонун лойиҳасига таклифлар киритилди.

Шунингдек, ЎзХДП фракцияси аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар. Ушбу масала тўғрисида фракция аъзоси Шарбат Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Баҳолаш ва биржа фаолиятини лицензиялаштириш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Нигмановлар кенг тушунтириш берди. Мазкур масала бўйича ҳам фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

Фракция йиғилишида депутатлар Ўзбекистон ХДПнинг тутган позициясидан келиб чиқадиган кўплаб фикрларни билдирдилар. Музокараларда депутатлар Анатолий Козлов, Муҳаббат Абдуллаева, Алиқул Ўринбоев, Абдуманноб Раҳимов, Нўъмонжон Аҳмаджонов, Нурдинжон Исмоилов, Насимқул Каримов, Алия Юнусова ва бошқалар ўз таклифлари билан иштирок этдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда умумий юрисдикция судларининг жорий йил биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти якунлари таҳлил қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Н.Тошматов бошқарган мажлисда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, мазкур тизим фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли ҳимоячисига айланаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида айни масалага алоҳида эътибор қаратилиб, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш борасида белгилаб берилган вазифалар муҳим омил бўлмоқда.

Бу вазифаларни бажариш, айниқса, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунларни қўллаш бўйича суд амалиётини шакллантириш борасида умумий юрисдикция судлари томонидан ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Фуқаролик ишларини кўриш муддати ва сифати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янада яхшиланди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қонунларга киритилган ўзгартишлар, жумладан, ярашув институти амалиётда кенг қўлланилаётганлиги туфайли судланганлик ҳолати камаймоқда. Ҳисобот даврида судланганлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,4 фоиз камайгани бунга мисол бўла олади.

Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо нисбати ҳам ўтган йилларга нисбатан камайганлигини кўрсатяпти. Айни пайтда судлар шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллашга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда айрим судларда ишларни судда кўришга тайёрлаш бўйича қонун талабларининг тегишли тартибда бажарилмаётганлиги айтиб ўтилди. Бу ҳолат суд хатоларига, ишларни кўриш муддати бузилишига олиб келаётгани қайд этилди. Жиноят ишлари бўйича судлар етарли асосларсиз жавобгарликка тортилган шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — оқлов ҳукмлари чиқаришда қатъиятлироқ бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда судья ва судларда ишловчи ходимларнинг касб маҳорати ва масъулиятини ошириш, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш, ишларни кўришни асоссиз равишда кейинга қолдириш ҳолларининг олдини олиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди, мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р.С.АЗИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 25 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р.С.АЗИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРИ — УМУМИҚТИСОДИЁТ, САВДО ВА ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ МАЖМУАСИ РАҲБАРИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Содиқович Азимов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Иқтисодиёт вазири — Умумиқтисодиёт, савдо ва истеъмол моллари мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 25 июль

ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

Абдулла ОРИПОВ:

ХАЛҚ ДАРДИ, ЭЛ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАМОҚ — ЭНГ ОЛИЙ САВОБ

Партиялар фаолияти, муродимақсадига кўра мамлакат тараққиётига ёрдам берувчи, олдига қўйган ҳаётий режалари орқали халқнинг муайян қатламларини ўзида жамлаб, улардан жамият бошқарувчиларини танлаб олувчи ва катта сиёсат майдонига йўллай олиш қудратига эга бўлган кучдир. Ҳозир жаҳондаги барча тараққий этган давлатларда турли партиялар ҳар хил қарашлари билан шу мамлакат бошқарувида қатнашиб келади. Баъзиларида иккита, баъзи бирларида эса учта партия бир-бирига оппозицияда бўлиб, ҳокимият учун кураш олиб боради.

Хўш, бу қандай амалга ошади, деган савол туғилиши табиий. Аввало, оппозициядаги партия ҳаётдаги мавжуд муаммоларга нисбатан принципиал муносабатини билдириши ва давлатга ўзининг тегишли тавсияларини бериши керак. Бўлғуси сайловларда ғалаба қозониб, ҳукуматни тузишда ўз таъсирини кўрсатиши лозим. Лекин бу бир томонга оғиш, жамиятни пароканда қилиб ташлаш дегани эмас. Мухолифликнинг мақоми партиялар дастурида аниқ белгиланган, улар шундан келиб чиқиб ҳаракат қилади.

Мустақиллигимизнинг энг катта ютуқларидан бири — эркин фикрлашга, дадил ҳаракат қилишга яратилган имконият бўлиб, бу нарса сиёсий партиялар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Шунинг учун мен Халқ демократик партиясини аъзолари кўплиги, қолаверса, муроди-мақсади жиҳатидан кенг халқ оммасига яқин партия деб ҳисоблайман.

Айримлар жуда кучли шахс, мутахассис бўлиши мумкин. Лекин у жамиятнинг катта бир қатлами фикрини ифода эта оладими, бу ҳали номаълум. Назаримда, партияларга мухтожлик ана шундан келиб чиқади, яъни бундай шахслар халқ манфаатини ифодалаши, уларнинг дунёқарашлари шунга мос келиши керак. Агарки ўша шахсни халқнинг муайян қатлами қўллаб-қувватламайдиган бўлса, у тарихдаги ҳамфикрлари, ҳаммаслаклари йўқ ягона-ёлғиз одам сифатида қолиши мумкин. Демак, шахснинг кенг халқ оммасига таянишига сиёсий партиялар орқали эришишимиз мумкин.

Мана яқинда Халқ демократик партиясининг V қурултойида партиянинг ўз олдига қўйган вазифалари, аниқ мақсадлари билан танишдик. Аввало, ЎзХДПнинг мақсади олижаноб эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бошқа партиялар ғояларига ҳам ўз ўрнида қимматли албатта. Улар бир-бирига нисбатан антогонистик бўлиши мумкин эмас. Чунки, буларнинг ҳар бири халқнинг маълум бир қатламлари манфаатини қамраб олишга ҳаракат қилади. Дейлик, бирови зиёлилар, бошқаси тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаати, ғояларини илгари суриши мумкин. Ва алал-оқибат бу силсилаларнинг ҳаммаси битта миллат, ягона давлатнинг тараққиётига хизмат қилади.

Халқ демократик партиясининг қамровида биз бошқалардан ажралиб турадиган энг яхши элементларни учратамиз: яъни у ижтимоий муҳофазага муҳтож одамлар манфаатини илгари суради. Бунинг ичида ўқитувчилар, шифокорлар, зиёлилар, қариялар, ногиронлар, қолаверса, қўлида ҳунари бўлмаган оддий одамлар ҳам бор. Уларнинг дарду ташвишларига чора топиш учун партиямиз ниҳоятда фаол бўлиши керак. Иккинчидан, партия дегани бу шунчаки чиноннинг тагида салқинлаб ўтирган йигирмата одам эмас. Кимсан, деса «ҳа, биз фирқамиз», деб қўядиган. Унинг жони, аниқ ҳаракати бўлиши, қўлидан иш келиши керак. Ўшандагина одамлар мана шу партияга келиб ўз дардини айтади.

Мен оддий бир мисол келтираман. Дейлик, бир одам муаммосига ечим излаб бир кунда ўнта идорага бош суқади. Ва ўн биринчиси бўлиб Ёзувчилар уюшмасигаям келади. Мен унга, «Сиз кўтариб келган масаланинг бизга алоқаси йўқ-ку!» дейман. У айтадики, «Ўнта идорага кириб чиқдим, аммо гапим ўтмади. Ёзувчиларнинг обрў-эътибори билан зора шу масала ҳал бўлса...», дейди. Сиёсий партия шундай кучга айланиши керакки, одамлар шу партияга борайлик, бизнинг гапимизга қулоқ солади, деб унинг ортидан эргашиши керак.

Собиқ иттифоқ даврида партияга киришдан мақсад — мансабдор бўлиш, бирор мукофотга эришиш эди. Ҳозир ҳам шу мақсадда юрганлар оз эмас. Улар сайловлар олдидан жонланиб қолади. Юқори органларга сайланишида партия бундайларга таянч вазифасини ўтайди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни хоҳлайман: одам жамиятда яшар экан, унинг ўрни, бор-йўқлиги билиниши керак. Масалан, врачнинг, ўқитувчининг ўрни бор, узоқ вақт ёзмай қўйса ёзувчининг ўрни билинади. Партия ҳам одамга ўхшаган гап, унинг ҳам қиёфаси, ўрни, обрў-эътибори бўлиши керак. Унинг обрўси — қилган иши, айтган сўзида туриши ва таъсир доирасига қараб белгиланади. Ҳеч кимни мажбур қилиб партияга олиб кириб бўлмайди ва партиядан чиқиб кетса, нега чиқиб кетдинг, дейиш ҳам ноўрин. Шунинг учун партиялар ўртасида рақобат бўлиши табиий, бўлсин ҳам. Лекин ҳар бири ўз Устави, Дастуридан келиб чиқиб ҳаётда таъсир кучини ошириши керак.

Японияда бўлганимда японлардан «Сизларда гепатит (сариқ касали) борми?», деб сўраганимда, улар «Бизда бундай касални ҳеч ким билмайди», деб жавоб беришди. Тасаввур қилинг, бутун бир мамлакат аҳолиси шундай хасталик борлигини билмайди. Афсуски, бугун гепатит бизда тумовга айланиб қолган. Бунинг оқибати нима бўлади? Бу муаммо эмасми? Нега ҳамма партиялар уни бартараф этиш бўйича ўз қарорларини чиқармайди?

Мана ишсизлик деймиз, бошқа муаммолар бор. Партиялар уларни ечишда ҳукуматга, олий органларга ўзларининг аниқ таклифлари билан чиқишлари керак. Шунингдек, партияларда моддий база бўлиши зарур. Қуруқ бақириқ-чақириқ билан мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса ҳукуматга ўзларининг таъсирларини ўтказа олишлари керак.

Яна бир муҳим масала борки, унда маблағнинг ўзигина роль ўйнамайди, бу мафкурадир. Мафкура — бугунги ҳаётимизда ғаним билан юзма-юз туриб кураша билиш, улар билан мунозарага киришиш ва шу мунозарада енга билиш дегани.

Дейлик, ҳозир бир ҳовуч ақидапарастлар халифалик тузмоқчи бўлишади. Бугун қайси партиянинг вакили бўлмасин, мана шундай мафкуравий тузоқларга дуч келиши мумкин. Ўйлаб кўринг, бир минг тўрт юз йил ортга ким қайтиб боради? Ундан ҳам нарига борса, одам боласи у вақтларда ғорда яшаган. Агар «халифалик»ни даъво қилаётганларнинг гапига кирса одам боласи яна ўша ғорга кириб кетиши керак.

Иккинчидан, одамларга бу йўлнинг нотўғри эканлигини англата олиш учун партия сафларидагилар билимли, саводли бўлиши керак.

Учинчидан, ҳозирги замон дунё сиёсатини яхши билиши керак. Президентимизнинг нуқтаи назари, кўрсатмаларидан келиб чиқилганда, бу жуда катта қурол. Масалан, демократия нима? Европада демократия нима, Америкада-чи? Миллий қадриятлар, менталитет нима дегани? Уларнинг демократияга қандай алоқаси бор? Ўзбек ўзидан каттага таъзим қилади, ҳурмат кўрсатади, Ғарб ёҳуд Европа учун бу хушомаддай туюлиши мумкин. Айрим мамлакатларда оила йўқ нарса. Шарқда, айниқса ўзбек халқида оила жамиятнинг асоси ҳисобланади. Оила деганда биз жамиятнинг мустаҳкам бўғинини тушунамиз. Оилалар бирлашиб маҳаллага айланади, маҳаллалар мамлакатнинг, жамиятнинг бир бўлагини ташкил қилади. Шунинг учун бизда маҳаллага жуда катта эътибор берилади. Демак, демократия қаерда қанақа жаранглайди, шуни унутмаслигимиз лозим. Партиялар бу масалаларнинг ҳаммасини ўзида мужассамлаштириши, жамиятни, одамларни бирлаштирувчи куч бўлиши керак.

Матназар ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57, Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

ФАОЛЛАР ФИКР АЛМАШДИЛАР

ВА ПАРТИЯНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИЙ РЕЖАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгашида вилоят партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП V қурултойи ва партия Марказий Кенгаши III пленуми қарорларини ҳамда партиянинг янги Дастурида белгиланган режаларни амалга ошириш бўйича вилоят партия ташкилоти олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди. Кун тартибидаги масала юзасидан **вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева** маъруза қилди.

Маърузачи ўз сўзида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалалар ҳақида кўпроқ фикр юритди.

— Янги Дастур партия аъзолари, электорати, барча тарафдорларини бирлаштирувчи байроқгина эмас, балки саъй-ҳаракатларимизнинг ўзига хос истиқбол режаси ҳамдир, — деди у. — Шундай экан, партиядаги барча тузилмалар, депутатлик гуруҳлари, фаоллар, тарафдорларимиз бор куч ва имкониятларини Дастурда илгари сурилган ғоя ҳамда таклифларни ҳаётга татбиқ этишга сафарбар этмоқлари зарур. Шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар эса партиямизнинг янги асосий сиёсий ҳужжати ғояларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўз режаларини ишлаб чиқишлари талаб этилади. Бу борада бошланғич партия ташкилотлари зиммасига жуда катта масъулият юкланади. Улар том маънода партиянинг бош бўғинига, асосига, пойдеворига, таянчига айланишларини жуда-жуда истардик.

Маъруза юзасидан бўлган музокаралар қизғин баҳслар асосида ўтди.

Абдурашид АБДУЛЛАЕВ, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи, ЎзХДП фаоли:

— Партиямиз меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш, бозор, талаб ва таклиф қонуниятларидан келиб чиққан ишсизлик муаммоларини комплекс ҳал этиш тарафдоридир. Сир эмас, бундай муаммолар мавжуд. Биз уларни ҳал этиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Айтайлик, жойларда меҳнат ярмаркалари мунтазам ўтказилаяпти. Имтиёзли кредитлар ажратиш эвазига янги иш ўринлари яратилаяпти, ишсизлик мақоми берилганларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари кўрилаяпти, қишлоқ аёлларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишни кўзлаб касаначилик, ҳунармандчилик, тўқувчилик, тикувчилик бўйича хонадонларда уй меҳнати, кичик цехлар ташкил қилинмоқда. Шу ўринда ўтган йили вилоят бўйича 10216 та, шу йилнинг биринчи чорагида 3500 та янги иш ўринлари очилганини, ярим йил ичида 1716 кишига ишсизлик нафақаси тайинланганини, 5102 нафар ишламайдиган аёлларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилаётганини айтиб ўтишни истардим. Вазифа эса аниқ: муаммо кескинлашмаслиги, ишини йўқотиб қўйиш, ишсизлик фожиага айланмаслиги, одамлар келажакка, эртанги кунга ишончини йўқотмасликлари лозим.

Владимир ДУБКОВ, Гулистон давлат университети ўқитувчиси, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Ҳақиқатни айтиш ҳамиша ҳам ёқимли бўлавермайди, аммо айтишимиз шарт. Ҳар гал сайловчиларим билан учрашганимда улар уй-жой-коммунал хизматларга алоқадор ўнлаб муаммоларни қаторлаштириб ташлашади. Масалан, қишда шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг иситилмаслиги, ёзда эса ичимлик сувининг бўлмаслигини олайлик. Бу муаммоларни ечиш, ҳал қилиш учун шу ишларга алоқадор мутасаддиларни бугунгидай йиғилишларимизга, пленумларимизга таклиф этишимиз, улардан муаммонинг ечимини сўрашимиз керак эмасми? Акс ҳолда юқоридаги ҳаётий муаммолар йиллар давомида ҳал қилинмасдан қолавериши, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиши турган гап. Бу аҳволда тўрт йилдан сўнг сайловчиларимизнинг кўзларига қандай қараймиз?

Хайринисо НАЗАРОВА, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Сирдарё вилоят бўлими раҳбари, ЎзХДП фаоли:

— Ҳаммамиз истеъмолчиларимиз. Аммо, истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқимизни, мажбуриятларимизни биламизми? Афсуски, бу масалада мақтанолмаймиз. Ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий маданиятимиз, саводхонлигимиз масаласида ҳам анчайин бепарво, лоқайдмиз. Давлат бюджети асосан сизу бизнинг тўлаётган солиқларимиздан шаклланади. Лекин биз кўп ҳолларда ана шу бюджет маблағларининг мақсадли ёки мақсадсиз ишлатилаётганлиги билан қизиқмаймиз. Борига барака, қабилида ҳаммаси билан муроса қиламиз. Шу каби масалалар, муаммолар бўйича аниқ таклифлар бермаймиз, сиёсий ташаббуслар кўрсатмаймиз, нуқтаи назаримизни баён қилмаймиз. Негадир сукут сақлаймиз, жим туришни маъқул кўрамиз. Биз сўл сиёсий партиянинг фаоллари сифатида энди бундай ҳолатлар билан муроса қилмаслигимиз керак.

Йиғилишда кун тартибидаги масала бўйича ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши раиси Маҳмуд Аҳмедов, вилоят кенгаши раиси Абдумалик Қўчқоралиевлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Гулрўх Аъзамова иштирок этиб сўзга чиқди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Муаммо, мулоҳаза

ТАЛАБА ЎҚИШНИ БИТИРДИ...

Унинг ишга жойлашиш масаласи қандай ҳал этилмоқда?

Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти вилоятда фаолият кўрсатаётган учта олий ўқув юртидан бири ҳисобланади. Бу ерда молия, маркетинг, менежмент, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, касб таълими, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги технологияси бўйича мутахассислар тайёрланади.

Бугунги кунда ушбу даргоҳда ўқиш истагини билдираётган абитуриентлар сони кўпайиб бормоқда. Бу эса ёшларимизнинг билимга, касб эгаллашга бўлган қизиқишлари тобора ортаётганидан далолат беради. Хўш, талабалар ўқишни тамомлагач, ўз йўналишлари бўйича ишга жойлаша олаяптими?

Айтиш жоизки, институтда грант асосида таҳсил олган талабаларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шу мақсадда талаба ўқишга кириши биланоқ уч томонлама, яъни талаба — институт — муассаса ўртасида шартнома тузилади. Шу шартнома бўйича талаба бирор корхонага бириктирилади, у ўша ер муҳити билан танишиб, иш ўрганади. Кейинги уч йиллик кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, институтда грант бўйича 416, шартнома асосида эса 736 нафар талаба ўқишни битирган. Шулардан бугунга келиб 80-83 фоизи ўз йўналиши бўйича ишга жойлашган.

Маълумотларга қараганда, грант асосида таҳсил олган бир талабани ўқитиш учун бир йилда давлат ҳисобидан 319354 сўм сарфланар экан. Агар бакалавриатнинг тўрт йиллигини инобатга олсак, бу харажат 1 277 416 сўмни ташкил этади. Бироқ, кейинги уч йилда грант бўйича ўқиганларнинг 65 нафари, шартнома асосида таҳсил олганларнинг 113 нафари ўз соҳаси бўйича ишламаяпти. Хўш, бунга сабаб нима?

Албатта, қаерда ишлаш ҳар бир шахснинг ўз ҳоҳиши. Лекин, вилоят ҳудудлари бўйича таққослаб кўрадиган бўлсак, битирувчиларни ўз касбини ўзгартиришга олиб келаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, кейинги йилларда мазкур институтга киришга ҳоҳиш билдирганларнинг 46-47 фоизи Наманган шаҳри ёхуд шаҳарга туташ бўлган Уйчи, Наманган, Тўрақўрғон туманларига тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Мингбулоқ, Норин, Чортоқ туманларида 2,5-4,5 фоизни ташкил қилади.

Яна бир мисол. Тўрт йил давомида институтда грант асосида ўқиган талабаларнинг 82 нафари биргина Уйчи тумани ёшларидир. Янгиқўрғонликлар 20, мингбулоқликлар эса атиги олти нафар. Кўриниб турибдики, туманлардаги таълим муассасаларида ёшларни олий ўқув юртларига йўналтириш борасидаги тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Бунга бевосита институт томонидан ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Айнан шу боис қайсидир ҳудудда мутахассис етишмаса, қайсидир туманда ортиқча.

Институт олимларининг фикрича, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш ва муҳими, мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни қондириш, ўз соҳаси бўйича иш билан таъминлаш учун бугунги кунда молия факультети бакалавриат базасида «Солиқ ва солиққа тортиш», «Бизнес», «Молиявий менежмент», магистратура мутахассислиги базасида «Суғурта иши», «Қимматли қоғозлар ва биржа иши» каби йўналишларини очиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу йилдан эътиборан институтда битирувчиларни йўлланма билан корхона-муассасаларга ишга юбориш йўлга қўйилади. Бунинг учун айни пайтда вилоят ҳокимлиги, иқтисодиёт бош бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда режа ишлаб чиқиляпти. Эндиликда бакалаврлар тақсимоти ҳамда ишга жойлашишини қатъий назорат қилиш эса галдаги вазифалардан бири деб ҳисоблайман.

Бунёд ЭСОНБОЕВ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

дейишмоқда ЎзХДП Самарқанд вилояти партия фаоллари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, чин маънодаги ислоҳотлар жараёнини ўтказмоқда.

ЎзХДПнинг V қурултойи ҳамда Марказий Кенгаш III пленуми партия фаоллари олдига қўйган янги-янги вазифалар бугун жойларда кенг муҳокама қилинмоқда. Партиянинг Самарқанд вилоят Кенгашида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши ҳам ана шу масалаларга бағишланди. Бу борада партиянинг минтақавий ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида **ХДП вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобековнинг** маърузаси тингланди.

— Халқ фаровонлигига эришиш — асосий мақсадимиз — деди у. — Бу борада партиянинг Дастури, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиладиган амалий ишларни кескин жонлантиришимиз керак.

Музокараларда **Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев** иштирок этиб, шундай деди:

— ЎзХДП V қурултойи партиянинг ҳаётида катта бурилиш ясади, деб ўйлайман. Жамиятдаги камчилик, иллат, муаммоларнинг ечимини топишга сиёсий жиҳатдан ёндашиб, юксак маданият билан ҳаракат қилаётганлиги уларни бартараф этиш йўлларини очади. Бу эса жойлардаги партия ташкилотларидан фидойилик билан фаолият кўрсатишларини талаб қилади. Аччиқ бўлсада, бир ҳақиқатни айтишим керак. Партия ўзининг янги Дастурига эга бўлдими, аниқ мақсад ва вазифалари борми, унда нега амалий ишлар кўзга ташланмаяпти?! Минбардан туриб айтилган қуруқ гаплар билан партия ташкилотининг обрўсини ошириб бўлмайди. Бунинг учун халқ орасига кириб борайлик, аҳолининг муаммоларини бартараф этишга ёрдам бериб, жамиятга зиён келтираётган кимсаларга ўз баҳомизни берайлик. Агар партиямиз сафларини ишчан, фидойи аъзолар билан тўлдирсак, ўйлайманки, кутган натижаларимизга, албатта, эришамиз.

Шунингдек, музокараларда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Худойбердиева, Самарқанд шаҳридаги 45-мактаб директори И.Афанасева, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори А.Аминов ва бошқалар иштирок этиб, партия янги Дастуридан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов** мамлакатимиз сиёсий майдонида сўл қанотдан туриб тараққиёт сари интилаётган, халқимиз фаровонлиги, осойишталигини таъмин этишда изчил изланишлар олиб бораётган партиянинг мақсад ва вазифалари, келгусидаги режалари хусусида тўхталди. ХДП шаҳар, туман кенгашлари партия ғояларидан келиб чиқиб, маҳаллий раҳбарлар, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга ўз позициялари билан чиқиши зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, фракция аъзолари бўлган депутатлар томонидан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган қонунлар яратилишида эътиборга молик ишлар қилинаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Йиғилишдан сўнг ЎзХДП туман ва шаҳар кенгашлари раислари учун ўқув-семинар ўтказилди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

ҳар биримиздан ўта ҳушёрлик, фаоллик ҳамда шижоат кўрсатиб ишлашни талаб этяпти, деб таъкидланди ЎзХДП Бухоро вилоят партия фаоллари йиғилишида

Дарҳақиқат, ўзини мамлакатимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти, деб эълон қилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳар томонлама янгиланиш йўлини танлади. Буни замон талаби, давр тақозоси десак ҳам бўлади. Зеро, мафкураси жиддий янгиланган партиянинг ўз олдига қўйган мақсадлари аниқ, вазифалар эса залворли. Партиямиз бундан буён мамлакат аҳолисининг ижтимоий заиф қатламлари, кам таъминланган, кўп болалик оилалар, даромади ўртадан паст кишилар, ногиронлар, пенсионерлар, ёшларнинг манфаатларини ифода этибгина қолмай, балки уларни ҳар томонлама ҳимоя қилади. ЎзХДПнинг V қурултойи ва Марказий Кенгашнинг III пленуми бу борада аниқ тўхтамга келди ва 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди.

— Дастурда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, — деди фаоллар йиғилишида маъруза қилган **вилоят партия кенгаши раиси Жалолиддин Нуруллаев,** — ҳар бир партиядошимиздан фаолликни, ташаббускор бўлишни, бор имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб этади. Сафларида 33 минг ХДП аъзосини бирлаштирган вилоят партия кенгаши ҳам катта куч эмасми? Биз энди ўзибўларчилик, очиқроқ қилиб айтсам, мудроқликдан батамом қутулишимиз керак. Бунинг учун эса ҳар бир партия ташкилоти ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараши шарт, аниқ иш режасини ишлаб чиқиши зарур. Яширмайман, айрим туман партия кенгашлари раислари ҳамон янгиланиш жараёни масъулиятини тўла ҳис этмаяптилар. Тепадан, кимдандир ишора кутиб туришдек эски касалдан халос бўлолмаяптилар.

Маърузачи Ўзбекистон ХДП V қурултойи ва Марказий Кенгашининг III пленуми қарорлари ҳамда партиянинг янги Дастурини амалга оширишда вилоят партия ташкилотининг галдаги вазифалари ҳақида тўхталаркан, фаоллар эътиборини қуйидагиларга қаратди:

— Партия қурултойида яқин беш йилликдаги бош вазифа этиб, рақиблар билан курашда жамиятда етакчилик мавқеига эга бўлиш, унга таянган ҳолда келгуси сайловларда ғалаба қозониб, ҳокимият партиясига айланиш. Бунда асосий сиёсий рақиб — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидир. Агар биз Ҳаракат дастуридаги вазифалар ижросини бекаму кўст таъминласакгина мавқеимиз янада мустаҳкамланади.

Партия фахрийси Абдулла Музаффаров ўта қуюнчаклик билан қуйидагиларни гапирди:

— Аввало, партиямиз Дастурини чуқур ўрганиб, уни дилимиздан ўтказишимиз даркор. Вилоят партия кенгаши бу борада талабчан бўлиши, иш услубини тубдан ўзгартириши зарур. Биз сафимизни кенгайтириш учун таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизимида, спорт соҳасида иш олиб бораётган ёшлар билан кўпроқ фойдали мулоқотлар уюштиришимиз керак. Афсуски, вилоятда ўтадиган тадбирларда партиямиз раҳбарлари, фаоллари кўринмайдилар. Қуйи бўғинлардаги партиявий иш унчалик яхши эмас. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ҳам суст.

— Дарҳақиқат, партиянинг янги Дастуридан жуда муҳим масалалар ўрин олган. Уларни амалга ошириш учун янада фаол бўлишимиз керак. Айниқса, ўзимиздан сайланган турли даражадаги депутатлар фаолиятини кучайтириш зарур. Энди замон ўзгарди, ҳаёт ҳам, — деди музокарада сўзга чиққан **Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси Муҳиддин Рашидов.** — Шу боис партиямиз сафлари жипслашмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 25 киши партияга аъзо бўлди. Ҳаммаси — ёшлар. Партиянинг янги Дастури билан ёшларни яқиндан таништиришимиз лозим. Энди қўл қовуштириб ўтириш фақат зиён келтиради. Очиқчасига курашга ўтишнинг мавриди келди.

— Жуда тўғри, — деди **Шофиркон туман партия кенгаши раиси Абдувоҳид Асадов.** — Ўтган сайловлар кўзимизни очди. Энди сафимизни ҳам кўздан кечириб, партиядан партияга сакровчилардан холи бўлишимиз керак. Ҳозир туманимизда 3000 ЎзХДП аъзоси бор. Қайта рўйхатдан ўтказишда йўқотишлар бўлиши эса табиий. Партиянинг кучи аъзолар сони билан эмас, балки билимли, салоҳиятли, кенг дунёқарашга эга бўлган инсонлар билан ўлчанади.

— Партиянинг V қурултойида қатнашиб, ундан катта таассурот олдим, — дейди **«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти партия ташкилоти раиси Муҳиддин Бозоров.** — Тўғриси, илгари фаолиятимизни жонлантириш учун аниқ дастур йўқ эди. Энди эса у бор. Фақат янгича ишлашимиз кераклигини ҳаммамиз англаб етишимиз лозим. Қийинчиликлар ҳамма ерда бор, муаммолар эса етарли. Уларни бартараф этиш йўлида янада жипслашишимиз зарур. Бунинг учун вилоят партия кенгаши жойларда семинарлар, учрашув ва мулоқотлар уюштирса яхши бўларди. Ўшанда халққа янада яқинлашамиз.

Йиғилишда сўзга чиққан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Шарбат Абдуллаева** асосий эътиборни партиянинг янги Дастури ва ундан ўрин олган ижтимоий мақсадларни амалга оширишга оид долзарб вазифаларга қаратди.

— Партиямиз учун энг масъулиятли дамлар бошланди, — деди у. — Электоратимиз — сайловчиларимизга берган ваъдаларни бажариш, сиёсий рақиблар билан курашда ўз мақсадларимизни амалга оширишга жиддий киришиш вақти келди. Агар бу мураккаб ишга барча партия ташкилотларимиз, депутатларимиз, матбуот нашрларимизнинг бутун куч ва имкониятларини сафарбар эта олсак, кўзланган марраларни албатта эгаллаймиз. Вилоят партия ташкилотлари асосий куч ва имкониятларни халқ орасида ишлашга, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни депутатлар орқали ҳокимликлар ва бошқарув идоралари олдига қўйишга, ижтимоий масалалар юзасидан қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларнинг жойларда бажарилиши устидан мониторинг юритишда иштирок этишга қаратишларига ишонаман. Ишсизликни бартараф этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби долзарб вазифалар масъулияти ҳар биримизни фаолликка даъват этиши шубҳасиз.

Фаоллар йиғилишидан сўнг ЎзХДП туман ва шаҳар кенгашлари раислари билан амалий ўқув-семинари ҳам бўлиб ўтди. Уни Марказий Кенгаш бош маслаҳатчиси Собир Қурбонов олиб борди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилади.

9 йиллик маълумот билан (ўқиш муддати 3 йил. Ўқиш ўзбек, рус ва қозоқ тилларида олиб борилади):

1. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, оилавий гувернер, мактабгача таълим муассасаларида хорижий тиллар ўргатиш ҳуқуқига эга тарбиячи ва компьютер саводхонлиги тарбиячиси.

2. Мусиқа тўгарак раҳбари, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа раҳбари.

3. Тарбиявий ишлар раҳбари, бошланғич синфда таълим-тарбия, тўгарак иши ташкилотчиси, бошланғич синфда меҳнат ва расм ташкилотчиси.

11 йиллик маълумот билан

(кундузги бўлимга, ўқиш муддати 1 йил, 10 ой, тўлов-контракт асосида):

1. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи.

2. Бошланғич синфларда ўқитувчи.

Ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

1. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха).

2. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

3. 6 дона фотосурат (3х4 ҳажмда).

4. Турар-жойдан маълумотнома.

5. 9-синф абитуриентлари учун мактаб ташҳис ҳайъатининг йўлланмаси.

Абитуриентлар коллежга келганда шахсини аниқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қора-сув 1-даҳаси, Темур Малик кўчаси 112-уй. Автобуслар: 21, 63, 49, 89. Телефонлар: 65-98-91, 65-98-92, 65-98-93, 65-98-94.

ХОРИЖ САРМОЯСИ СОЯСИДАГИ ФИРИБГАРЛИКЛАР

- **Мусаввара опани нега алдашди?**
- **Стопницкийнинг найранглари.**
- **Сохта тавсиялар, қалбаки хулосалар.**
- **Тишенко Миллий банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосаримиди ёки ниқоб кийган товламачи?**

Мустақилликнинг илк даврларидаёқ ташқи иқтисодий фаолият юритиш ва чет эл инвестицияларини киритишга катта аҳамият берилди ҳамда унинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини таъминлайдиган қонунлар қабул қилинди. Ушбу фаолиятни такомиллаштириш мақсадида 1992 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, инвесторларга кўплаб имтиёзлар берилди. Ўша йилларнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам иш бошлади. Умуман, мамлакатимизга чет эл инвестициясини киритиш борасида кўплаб қонун ва норматив ҳужжатлар яратилди.

Шу билан бирга ҳукуматимиз томонидан яна бир муҳим масала, яъни киритилаётган чет эл инвестицияларидан самарали ва оқилона фойдаланиш тартиби ва йўл-йўриқлари ҳам белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов чет эл инвестициялари, энг аввало, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи ускуналар сотиб олиш учун кераклигини алоҳида таъкидладилар. Бу борада қилинган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётганлигига ҳамма гувоҳ.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки зиммасига асосан чет эл инвестицияларини киритиш ва уларни мамлакатимиз корхоналарига йўналтириш вазифаси юклатилди. Шунинг билан бирга, инвестициялардан самарали фойдаланиш муҳимлиги туфайли Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шу банкда Инвестицион лойиҳаларни ўрганиш маркази ташкил қилиниб, унга мамлакатдаги касбий маҳорати юқори ва билимли кадрлар танлаб олинди. Албатта, бундай ҳаракатлар ўз самарасини берди. Мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларига валюта кредитлари беришда ушбу кредитларнинг қай тартибда ишлатилиши, кредит маблағлари ҳисобига қандай ускуналар олиб келиниши ва қайси турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, жаҳон бозорларида бу маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги каби масалалар худди шу банк раҳбарлари ва Марказ ходимлари томонидан ўрганилган ва хулосалар бериб келинган.

Аммо республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали чет эл инвестициялари ҳисобидан мамлакатимиз корхоналарига берилган валюта кредитларининг аксарияти қайтарилмаётганлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан текширилганида, баъзан кредитлар қонунга хилоф равишда берилганлиги аниқланди ва ушбу иш юзасидан банк раҳбарларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Масала анча жиддий эди. Чунки инвестиция дастурларини бажариш ўта муҳим, қолаверса, бу маблағлар жаҳон ва чет эл банкларидан давлат кафолати билан устама бериш ҳисобига олинган. Шу сабабли жиноят ишларини тергов қилиш учун малакали терговчилардан иборат тергов гуруҳи тузилди ва унга Марказий банк ва бошқа идоралардан мутахассислар жалб қилинди.

Таъкидлаш жоизки, кредит ажратишни сўраб Миллий банкка мурожаат қилган корхоналар ушбу кредитларни ўз вақтида қайтаришни кафолатлайдиган иқтисодий-молиявий ҳисоб-китоблар тузишган. Уларга миллий банкнинг лойиҳаларни молиялаштириш Маркази томонидан ижобий хулосалар берилган. Банк раҳбарияти ҳам уни ўз қўмиталарида кўриб чиқиб, худди шундай ижобий хулосаларга келган ва ушбу корхоналарга кредит ажратиш ҳақида қарорлар қабул қилишган.

Хўш, банк ходимлари ўз низомларида кўрсатилганидек, олинадиган кредит маблағларининг ишлатилиши самарали эканлигини текшириб, хулосалар беришган бўлсаю, бу валюта кредитлари корхоналар томонидан нега қайтарилмади? Банк ходимларининг ўзлари бир неча йиллар давомида кредитларнинг қайтарилмаслик сабабларини мамлакатдаги объектив иқтисодий қийинчиликлар билан боғлаганлар ва ёки шунга ўхшаш бошқа сабаблар кўрсатишиб, юқори идораларга ахборотлар бериб келишган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тергов гуруҳи томонидан олиб борилган тергов натижалари, афсуски, валюта кредитларининг қайтарилмаслик сабаблари мутлақо бошқача эканлигини кўрсатди. Шунингдек, тергов банк раҳбарлари ва мутасаддилари айрим корхоналар раҳбарлари ва ҳаттоки чет эл фирмаларининг ходимлари билан жиноий тил бириктириб, валюта кредит маблағларини пухта ўйланган ва ниқобланган ҳар хил молиявий комбинациялар билан талон-торож қилганликларини фош этди.

Андижон вилояти Асака туманида яшовчи 55 ёшдаги Мусаввара опа Юсупова шу туман аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминловчи «Оби нон» акциядорлик жамиятида 100 дан ортиқ ходимдан иборат меҳнат жамоаси билан фаолият кўрсатган ва ушбу жамият тумандаги энг илғор корхоналардан бири ҳисобланган. Бундан руҳланган меҳнат жамоаси корхона фаолиятини янада кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун юмшоқ булочка ва бошқа харидоргир нон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ускуналар олишга қарор қилишган. Шу мақсадда Мусаввара опа 1998 йилнинг ёз ойларида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига кредит сўраб мурожаат қилган. Унинг ушбу мурожаатига банкнинг лойиҳаларни кўриб чиқиш маркази ходими Ш.Қосимов нон ишлаб чиқарувчи ускуналар сотиб олиш учун кредит берилмаслигини, агар у банк ходимлари кўрсатган фирма орқали вафли ишлаб чиқарувчи ускуналар сотиб олишга рози бўлсагина унга кредит ажратилишини таклиф қилган. Иложсиз қолган Мусаввара опа корхона ходимлари билан маслаҳатлашиб, ниҳоят Болгариянинг «Вено» фирмасидан 1 млн. 200 минг АҚШ долларига вафли ишлаб чиқарувчи ускуна сотиб олишга мажбур бўлган. Аммо банк ходимлари Юсуповага кредит учун керакли ҳужжатларга сунъий равишда бўрттирилган сохта ҳисоб-китобларни ёздиришиб, кредит бериш лозимлиги ҳақида ноқонуний хулоса беришган. Гўёки олиб келинган ўша ускунада бир йилда тахминан 3,5 млн. долларлик 2-2,5 минг тонна вафли ишлаб чиқарилар ва бу маҳсулот сотилиб, 5 йил мобайнида барча харажатлар қопланар эмиш. Тергов даврида ушбу ҳолат текширилганида ускунанинг ўзи ҳар хил русумдаги қисмлардан йиғилганлиги, унинг ишлаб чиқариш қуввати жуда паст эканлиги ва бир йилда тахминан энг кўпи билан 500-600 минг АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқариши мумкинлиги аниқланган.

Экспертларнинг берган хулосасига кўра, ушбу ускуналар ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эски бўлиб, унинг олинган пайтдаги нархи 767 минг АҚШ доллари эканлиги, кредит бериш давридаёқ техник-иқтисодий кўрсаткичлар қасддан бўрттириб, ошириб кўрсатилганлиги, натижада олинган валюта кредитларининг қайтиш истиқболи умуман мавжуд эмаслиги маълум бўлган.

Шундай қилиб, Миллий банкнинг лойиҳаларни молиялаштириш маркази директори П.Зимин, бошқарма бошлиғи З.Нигманов, бўлим бошлиғи А.Мавлянкариев, ходими Ш.Қосимов ва бошқалар 1 млн. 200 минг АҚШ долларилик кредит маблағларини талон-торож қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар. Ушбу жиноятнинг яна бир жароҳатли жиҳати шундаки, 5 йилдан сўнг банк ходимлари Мусаввара опа ишлаган корхонадаги барча мол-мулклар ва ускуналарни кредитни қоплаш учун деб олиб кетишган. Оқибатда кредит олингунга қадар 100 дан ортиқ ходим ишлаб турган «Оби нон» акциядорлик жамияти бутунлай касодга учраб, ёпилган. Банк ходимлари томонидан талон-торож қилинган маблағ чет эл банкига давлат томонидан 1 млн. 739 минг АҚШ доллари миқдорида тўлаб берилган.

Яна шундай бошқа бир ҳолатга эътибор қилинг. Муқаддам бир неча бор судланган устаси фаранг фирибгар А.Стопницкий чет эл фирмалари билан биргаликда «Микрел» қўшма корхонасини тузиб, гўёки оқсил изоляти ишлаб чиқарувчи ускуналарни Канаданинг «Варта индастриз Лтд» компаниясидан сотиб олиш учун бир неча миллион доллар лик кредит беришларини сўраб Миллий банкка мурожаат қилган. Ва табиийки, ўзи томонидан шу ускуналарда ишлаб чиқариладиган оқсил изоляти маҳсулоти харидоргир эканлиги ва уни сотиб кредитни 5 йил ичида фоизлари билан қайтариши ҳақида техник асослантирилган хулоса ҳам тақдим этган. Ушбу иқтисодий асослантиришга банкнинг лойиҳаларни молиялаштириш маркази ходимлари кредит ажратиш ҳақида ижобий хулоса беришган. Бу хулосани банк раҳбарияти ҳам комиссияларда кўриб чиқиб, кредит ажратишни маъқуллаган ва А.Стопницкий кўрсатган банкка ускуна сотиб олиш учун 4 млн. 27 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўтказиб берилган.

2000-2001 йилларда А.Стопницкий корхонани ишлатиш учун оборот маблағлари етмаяпти деб, кредит маблағлари бериш ҳақида банкка мурожаат қилган. Унинг бу мурожаати ҳам ижобий деб топилган ва «Микрел» қўшма корхонасига корхонанинг фаолиятини юргизиш учун яна банкдан 97 млн. 800 минг сўм кредит берилган.

Қарангки, 2004 йилнинг охирига келиб ҳам, яъни валюта кредитини қайтариш муддатлари бир неча йил ўтиб кетганига қарамай, банк ходимлари томонидан турли важ-корсонлар кўрсатиб келинган. Гўёки оқсил изоляти корхона томонидан етарли даражада ишлаб чиқарилаётган бўлиб, бунга муҳтож корхоналарнинг маблағи бўлмаганлиги сабабли сотиб ололмаётганлиги ва шунинг учун валюта кредити маблағларини қайтариш имконияти бўлмаётганлиги ҳақида хулосалар қилинган. Шунингдек, банк ходимларининг ҳужжатларида қўшма корхонага бир неча маротаба таклиф қилинган ва ушбу ускуналар ишлаб турганлиги ҳақида далолатномалар тузилган.

Табиийки, «Микрел» қўшма корхонаси томонидан валюта кредитларини бундай сабабларга кўра қайтарилмаётганлиги ҳақидаги банк ходимларининг хулосалари тергов гуруҳи томонидан шубҳа остига олинди. Мутахассислар билан «Микрел» қўшма корхонаси жойлашган Янгийўл туманига борилиб, ускуналар текширилганида, антиқа ҳолга дуч келинди. Қўшма корхонадаги ускуналар асосан 70-80-йилларда, СССР даврида ишлаб чиқарилганлиги, А.Стопницкий бу яроқсиз ускуналарни ўша ердаги аҳолидан арзон нархларда сотиб олиб, гўёки бирор бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи ускуналарга ўхшатиб қўйганлиги, аслида эса чет элдан ускуналар умуман келтирилмаганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, умуман олиб келинмаган ускуналар учун берилган 4 млн. 27 минг АҚШ долларилик кредит маблағлари ҳам, кейинчалик эса корхона фаолиятини яхшилаш учун деб ажратилган 97 млн. 800 минг сўмлик кредит ҳам талон-торож қилинган. Тергов даврида бу даражадаги ошкора ва сурбетларча жиноятнинг ташкилотчиси ва бош ижрочиси Миллий банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари С.Тишенко эканлиги маълум бўлди. У ўз хизмат мансабидан фойдаланиб, ўзига бўйсунувчи Миллий банк лойиҳаларни молиялаштириш маркази директори П.Зимин, Марказ масъул ходимлари Ш.Аблямитов, Р.Батиршин ва бошқаларни ҳам ушбу жиноятга жалб қилганлиги аниқланди.

Умуман, Миллий банкнинг валюта кредитларини беришда, юқоридагидек ақлга сиғмайдиган жиноятларнинг содир этилганлиги ҳақида кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бироқ шу ўринда муштарийларимизда қатор саволлар туғилиши мумкин. Масалан, наҳотки, банкда ишловчи ходимлар орасидан шу пайтгача бир ватанпарвар чиқмади? Агар бўлса, нега улар шу пайтгача мум тишлашди? Мансаб ёки ҳаром-ҳариш пулнинг жозибаси Ватандан ҳам, миллий манфаатлардан ҳам қудратлимиди?

Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда валюта кредитлари эвазига янги корхоналар пайдо бўлмоқда, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорини эгалламоқда. Бу эса мамлакат иқтисодий қудратини оширмоқда, юрт ободончилиги, халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Бизнинг «қаҳрамонларимиз» эса буни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Чунки улар ўз манфаати, нафси учун ҳамма нарсани, ҳатто виждонини сотишга ҳам тайёрдирлар. Энг ачинарлиси, ушбу жиноятларнинг бошида банк раҳбарлари турисган, ҳужжатлар эса банк соҳасидаги энг малакали ходимлар томонидан тузилган, бошқа четдан келган текширувчи ва ўрганувчиларга эса доимий равишда қалбаки, бўрттирилган ҳужжатлар кўрсатилган ёки юқорида таъкидлаганимиздек, кредитнинг қайтмаслик сабабларини мамлакатимиз иқтисодиётидаги объектив ҳолатлар, яъни девальвацияга боғлашганликлари бу жиноятларнинг ўз вақтида фош этилишида қийинчиликлар туғдирган.

Миллий банк ходимлари томонидан содир этилган яна бир жиноят ҳақида тўхталмоқчимиз. Кўпчиликнинг ҳали эсида бўлса керак, «Катекс» номли корхона бўлиб, бозорларимизда бир неча йил шу ном билан трикотаж маҳсулотлари сотилган. Бу корхона 1991 йили ташкил этилган. Пахта хомашёсини шундай қабул қилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган катта комплекс бўлган ва унда 1800 нафар ходим ишлаган.

1996 йили шу корхона раҳбари И.Калмуратов Италиянинг «Текстайл энд коттон компании Лтд» фирмаси директори Витторио Дорди, ўринбосари Марио Арбази, Миллий банк лойиҳаларни молиялаштириш маркази раҳбари П.Зимин, шу марказ ходимлари Ш.Аблямитов ва Р.Батиршин билан жиноий тил бириктиради. Ушбу комплексга яна тиббиёт бинти ишлаб чиқарадиган ускуна олиш зарур деб, 2 млн. 475 минг АҚШ доллари миқдорида валюта кредити ажратиш лозимлиги ҳақида мурожаат қилишган. Миллий банкнинг юқорида номлари эслатилган ходимлари томонидан барча техник иқтисодий асослантирувчи ҳужжатлар оширилган сохта кўрсаткичлар билан тузилиб, Италиядан 10 та бинт ишлаб чиқарувчи ускуна 2 млн. 475 минг АҚШ долларига олиб келинган.

Жиноятга жазо муқаррар

Ушбу ускуналар тергов даврида мутахассислар томонидан нархланганида, унинг ҳақиқий нархи бор-йўғи 256 минг АҚШ доллари туришлиги, яъни жиноий гуруҳ томонидан 2 млн. 219 минг АҚШ доллари талон-торож қилинганлиги аниқланди. Ушбу жиноятнинг давлатимизга етказилган жуда катта моддий зараридан ташқари, «Катекс» мажмуаси томонидан бир неча баробар қиммат нархда олинган тиббиёт бинтлари ишлаб чиқувчи ускуналарнинг кредити ва унинг фоизларини тўлаш учун кетган маблағ Нукус шаҳридаги энг йирик бу мажмуани иқтисодий ночорликка олиб келди ва корхона бутунлай тўхтаб, 1800 нафардан ортиқ одамлар ишсиз қолиб кетди.

Жиноят ишининг тергови давомида Миллий банк ходимларидан 14 нафари давлат мулкини талон-торож қилиш, пора олиш каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланиб, суд ҳукми билан айбдорларга турли йил муддатдаги озодликдан маҳрум этиш жазолари тайинланди.

Миллий банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари С.Тишенко, лойиҳаларни молиялаштириш маркази бошлиғи П.Зимин, шу марказ масъул ходимлари Ш.Аблямитов, Р.Батиршин, шунингдек Италия давлати фуқаролари Витторио Дорди ва Марио Арбазиларга давлат мулкини жуда катта миқдорда талон-торож қилганликлари, пора олганликлари каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда сиртдан айбдор деб топилиб, халқаро қидирув эълон қилинди. Ушбу жиноятчиларни қидириб топиш ва қонун олдида жавоб беришларини таъминлашга қаратилган барча тезкор-тергов чоралари кўрилмоқда.

Жиноят ишининг тергови давомида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига кредит маблағлари қасддан қайтарилмасдан, айрим ҳолатларда эса талон-торож қилиб кетилган жиноятлар юзасидан айбдорлардан бугунги кунга қадар жами 7 млрд. 800 млн. сўм ундирилди. Жиноят иши юзасидан айбдорларни аниқлаш, етказилган зарарларни ундириш, жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасида тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Жиноят ишларининг тергов амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, қонунларимизнинг самарали ишлаши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини янада кучайтириш билан бир қаторда, фуқароларимиз томонидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ англаб етиши, мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг юқори бўлиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ экан.

Ватанга хиёнат аслида шундай хатолардан, лоқайдликдан туғилади ва илдиз отади. Буюк келажакни қуриш учун буюк қалб керак. Юртнинг чин фарзанди, ўз миллий қадриятларининг фидойи курашчиси, соддароқ айтганда, озод Ўзбекистоннинг асл фуқароси ўз Ватанига хиёнат қила олмайди. Жиноят қилганлар эса бизнинг эркимизни, эртанги порлоқ келажагимизни кўра олмайдиган ғаниларимиздир. Улар учун жазо муқаррар!

Рамазон ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи.

(«Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 23 июль)

XORIJDA

МАҚСАД ҚУРБОНЛАР СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ ЭДИ...МИ?

07/07/05

Эрталабки соат 08:49. Британия транспорт полицияси «Ливерпуль-стрит» ва «Олдгейт» метро бекатлари оралиғида рўй берган нохушлик ҳақидаги биринчи хабарномани олади. Бироз вақт ўтгач бу кичик бир нохушлик эмас, портлаш бўлгани аниқланиб, одамларни олиб чиқиш тадбирлари бошланади. Портлаш оқибатида етти киши ҳалок бўлди, юзга яқини жароҳатланди.

«Ливерпуль-стрит» бекати метронинг тўрт йўналиши ва вокзални боғлаб туради. Айнан шу ерда Лондонда фаолият кўрсатаётган кўплаб банк ва молия институтлари жойлашган.

Аввал хабар берилганидек соат 09:17да эмас, балки 08:50да «Эджвер-роуд» метро бекатида яна бир портлаш содир бўлди. «Эджвер-роуд»даги портлаш ҳам етти нафар кишини ҳаётдан олиб кетди. Бу бекат «Олдгейт» каби метронинг тўрт йўналиши учун хизмат қилади.

Соат 08:50. «Пиккадилли» метро йўналишидаги «Рассел-сквер» ва «Кингз кросс» бекатларида ҳам портлаш юз беради. Расмийлар, бу сафар ҳалоқ бўлганлар 21 нафар эканлиги ҳақида хабар тарқатди.

Соат 09:47. Лондоннинг қоқ марказида жойлашган Рассел-скверда автобуснинг иккинчи қаватида портлаш рўй берди. Хунрезлик оқибатида автобуснинг томидан асар ҳам қолмайди. Бу сафар 13 киши қурбон бўлгани ҳақида маълумот берилди.

— ...Жуда қаттиқ портлаш эшитилди. Поезд рельсдан чиқиб кетди. Борлиқни тутун қоплади. Жуда кўп жароҳатланганларни кўрдим. Айниқса, бошидан лат еганлар кўп эди. Ёнимда ўтирган йигит аҳволи жуда ёмонлиги ва ўлаётганлиги ҳақида гапирди. У омон қолди деган умиддаман, — деди воқеа гувоҳларидан бири лондонлик Энди Абернати.

Соат 09:24да транспорт полицияси «Ливерпуль-стрит»да рўй берган кўнгилсизликлар икки поезд тўқнашиб кетиши ёки кабелларидан бири ёниши туфайли рўй берди деган хабарни тарқатди. Соат 09:40 да ҳаммасига электр қувватининг ошиб кетиши сабаб дейишди. Ва ниҳоят, 10:21 да Пресс Ассошиэйшн агентлиги Лондонда портлашлар рўй берганини маълум қилди.

Ваҳима бироз босилгач, Англиянинг Би-Би-Си агентлиги террорчилик актларини ўз бўйнига олган ва бундан олдин маълум бўлмаган «Ал-Қоиданинг Европадаги маҳфий ташкилоти» гуруҳи вэб-сайтидаги қуйидаги матнни келтирди:

«...Ислом ва араб миллатлари қувонинг; Британия сионист салб юришлари иштирокчиларидан Ироқ ва Афғонистонда амалга оширилган жиноятлари учун қасд олиш вақти келди.

Биз бир неча марта Британия ҳукумати ва халқини огоҳлантирдик...

Биз яна бир бор Италия ва Дания ҳамда бошқа салб юришларини амалга ошираётган ҳукуматларни огоҳлантирамиз. Улар ўз қўшинларини Ироқдан олиб чиқмаса Англия каби жазоланади».

Бу баёнот бир неча радикал ислом ташкилотларига бошпана берган Британия учун кутилмаган зарба бўлди.

МУСУЛМОН АҲЛИНИНГ МУНОСАБАТИ

Британиянинг беш юздан ортиқроқ ислом дини уламолари вакиллари Лондондаги воқеаларга ўз муносабатини билдиришди. Улар террорчилик оқибатида ҳалок бўлганлар оилаларига ҳамдардлик билдиришиб, яраланганларга шифо тилашган.

Ўзида 300га яқин масжидларни бирлаштирувчи Британия мусулмонлари Форуми бош котиби Гул Муҳаммаднинг фикрича, «Ислом позицияси жуда ҳам аниқ: бир одамнинг жонига қасд қилиш — бутун одамзотнинг жонига қасд қилиш билан баробардир. Кимки одам ҳаётини қадрламас экан, у одамзот душманидир.»

Британиянинг уч асосий партияси террорчиликка қарши курашишга қаратилган янги қонунларни ишлаб чиқишни тезлаштириш бўйича келишиб олишди.

ИСМЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Ўтган ҳафтанинг охирларида хавфсизлик органлари Британияда мудҳиш террорчилик актларини содир этган шахслар номларини маълум қилди. Рўйхатдан Дьюсбери шаҳрида яшаган 30 ёшли Муҳаммад Сиддиқ Хон, Лидс шаҳрида истиқомат қилган 22 ёшли Шаҳзод Танвир ва 18 ёшли Хасиб Мир Ҳусайнлар жой олди. Бундан ташқари Рассел Сквер метро бекатидаги хунрезликларни Жермейн Линдси деган шахс амалга оширган, деб ҳисобланмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, „террорчиларнинг ҳаммаси Британияда туғилган. Улардан уч нафарининг келиб чиқиши Покистондан, яна бириники эса Ямайкадан эканлиги аниқланди.

Англия полицияси ҳар қачонгидан сергак ва юқори тайёргарликда. 22 июль куни «Стоквэлл» метро бекатида рюкзак таққан шубҳали бир йигит пайдо бўлади. Хавфсизлик хизмати ходимлари йигитни бироз кузатиб уни тўхтатишга уринишади. Аммо у қоча бошлайди. Полиция вакиллари бунга жавобан бошқа йўловчилар кўз ўнгида унга қарата ўт очади. ОАВларда яна битта террорчи ўлдирилди деган хабар тарқатилди. Бироқ кейин маълум бўлишича у террорчи эмас, 27 ёшли Жан-Чарльз де Менезес экан. У асли Бразилия фуқароси бўлиб, охирги уч йил давомида Лондонда электрик бўлиб ишлаётган эди.

Британия ҳукумати Жан-Чарльз де Менезес ўлимидан қаттиқ изтиробда эканлигини маълум қилиб, Бразилия ҳукуматидан расман узр сўради. Аммо полиция вакиллари бундан буён ҳам террорчилик актларини содир этишда шубҳа қилинган шахсларга қарата ўт очилиши мумкинлигини айтишди.

НЕГА МЕТРО?

Йирик шаҳарлардаги транспорт тармоқлари террорчилик ҳаракатлари учун нишон бўлиб қолмоқда.

— Мадрид метросида 2004 йилнинг мартида рўй берган портлашлар каби Лондонда ҳам юз минглаб одамлар ҳаракатланадиган асосий транспорт бўғинларига ҳамла қилинди. Террорчиларнинг мақсади қурбонлар сонини иложи борича кўпайтириш эди, — дейди Лондоннинг бирлашган хизматлари Қироллик институти доктори Жонатан Ийел.

Еттинчи июль портлашларидан кейин дунё ҳамжамияти Британияга ҳамдардлик билдириш билан бирга баъзи танқидий фикрларни ҳам айтмоқда. Чунки Британия энг бой ва техник жиҳатдан тараққий этган мамлакатлардан бири бўлганига қарамай чегараларни ҳимоя қилиш бўйича самарали тизими йўқ, бунинг устига иммиграцион тизимдаги тушунмовчиликлар... Шундан бўлса керак, бир йилда бу мамлакатга юз минглаб одамлар ноқонуний равишда келиб-кетади.

Британияликлар буни яхши билишади. Кўпчиликда ишнинг бундай бориши хавотир ҳам уйғотади. Аммо айнан шу масала бўйича ҳукумат ва аҳоли фикрлари мос келмайди. Шу аснода эса кўпмиллатли либерал жамият қуриш ва уни ҳимоя қилиш ўртасида зиддиятлар туғилади.

Британия бошидан террорчилик балосини кечирган давлатлар каби жуда қийин аҳволда қолди. Бир томондан инсон ҳуқуқлари, иккинчи томондан эса уларнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган янги чоралар ишлаб чиқилмоқда.

Бу эса яна бир бор террорчиликка қарши биргаликда, бамаслаҳат бўлиб курашишдан бошқа йўл йўқлигидан далолат беради.

Хуршид РАУПОВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ
«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»
ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

ЛОТ 1-1 Фурқат тумани Эшон қишлоғидаги 12-сонли мактабни капитал реконструкциялаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 165,272 млн сўм.

ЛОТ 1-2 Учкўприк тумани Чанг қишлоғидаги 27-сонли мактабни капитал реконструкциялаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 307,222 млн.сўм.

ЛОТ 1-3 Данғара тумани Манғит қишлоғидаги 35-сонли мактабни капитал реконструкциялаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 215,887 млн. сўм.

ЛОТ 1-4 Фурқат тумани Тинчлик қишлоғидаги 30-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 106,709 млн. сўм.

ЛОТ 1-5 Фурқат тумани Султон қишлоғидаги 31-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 64,467 млн. сўм.

ЛОТ 2-1 Фарғона тумани Ғалаба қишлоғидаги 22-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 106,553 млн. сўм.

ЛОТ 2-2 Фарғона тумани Чимён қишлоғидаги 23-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 71,265 млн. сўм.

ЛОТ 2-3 Фарғона тумани Чек-шура қишлоғидаги 26-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 80,092 млн. сўм.

ЛОТ 2-4 Қува тумани Шербўтаев қишлоғидаги 30-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 118,550 млн. сўм.

ЛОТ 2-5 Қува тумани Шредер қишлоғидаги 31-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 86,904 млн. сўм.

ЛОТ 3-1 Данғара тумани Қирқлар қишлоғидаги 1-сонли гимназия мактабни капитал реконструкциялаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 233,535 млн. сўм.

ЛОТ 3-2 Марғилон шаҳар Б.Марғилоний кўчасидаги 22-сонли мактабни капитал реконструкциялаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 141,797 млн. сўм.

ЛОТ 3-3 Фарғона тумани Бобур қишлоғидаги 29-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 52,323 млн. сўм.

ЛОТ 3-4 Қува тумани Деҳқонобод қишлоғидаги 32-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 01.07.2006 й.
Бошланғич нарх — 99,902 млн. сўм.

Манзил: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 24-24-33

Қурилиш-монтаж ишлари бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари фонди ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 24-18-71, 24-18-76 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй.***

«Шарқ тароналари — 2005»

МУСИҚА ХАЛҚЛАРНИ ЎЗАРО ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 15 июнда қабул қилинган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида юртимизда улкан санъат байрами — «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Нуфузи йил сайин ошиб бораётган ушбу мусиқа анжуманига айни кунларда қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг театрлашган томошалари бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ ЎзА мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг таклифи ва тавсиясига кўра ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган ушбу халқаро фестивалнинг жаҳонда тобора кенг эътироф этилаётгани қувонарлидир. Ушбу халқаро санъат байрами Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилигининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш ҳамда ривожлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Қадимий Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий бу фестиваль қисқа муддатда жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўплаб давлатлар, халқаро маданият ташкилотларининг дунё миқёсида танилган машҳур санъат намояндалари учрашадиган ушбу тадбирга бўлган қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар, санъаткорлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яна бир яққол далилидир.

Асосий ғояси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини янада ривожлантиришдан иборат ушбу санъат байрами турли миллат ва элатларни мусиқа воситасида ўзаро яқинлаштиришга, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборининг тобора ортишига хизмат қилаётир. Айниқса, бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёвузлик ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши маърифат билан курашишда, халқимиз маънавияти, кўп асрлик мусиқа хазинасини бойитишда мазкур фестивалнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Ижодий гуруҳ шу йил 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида бўлиб ўтадиган тадбирларни юксак ғоявий-бадиий даражада, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида фестиваль учун бадиий дастурлар яратиш бўйича қизғин иш олиб бормоқда.

Анъанавий фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари муайян мусиқий мавзуга бағишланиши яхши анъанага айланиб қолган. Илк марта ўтказилган «Шарқ тароналари» Буюк ипак йўлининг жаҳон мусиқаси тарихида тутган маънавий-маърифий аҳамиятига, иккинчиси миллий мусиқамиз ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур санъат намояндаларининг хотирасига, учинчиси она табиатни асраб-авайлашга, тўртинчиси миллий мақом санъатимизга бағишланган эди.

Бу йилги фестиваль очилиш маросимининг асосий ғояси буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодига бағишланади. Ижро этиладиган дастурларда улуғ шоирнинг жаҳон халқларини дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳилликкга ундаган ҳаётбахш ғояси ўз ифодасини топади.

Агар 2003 йилги фестивалда ўттиз тўрт давлатдан вакил қатнашган бўлса, бу йил жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатидан санъаткорлар иштирок этиш истагини билдирган. Айни пайтда фестивалнинг ранг-баранг мусиқий дастуридан баҳраманд бўлиш истагида бўлган томошабинлар, мусиқа ихлосмандлари, сайёҳлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Буларнинг ҳаммаси фестиваль дастурларига алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади. Шу боис сценарий муаллифлари Хуршид Даврон, Жуманиёз Жабборов, мусиқий бадиий раҳбар Абдуҳошим Исмоилов, истеъдодли хормейстерлар, моҳир балетмейстерлар иштирокидаги ижодий гуруҳ иш олиб бормоқда.

Айни вақтда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво», «Ўзбектеатр», «Ўзбекракс» ижодий бирлашмалари тизимидаги ижодий жамоалар, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли, Ўзтелерадиокомпания ва Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабалари иштирокида махсус дастур тайёрланмоқда.

Мусиқа байрами тантаналарининг ёпилиш маросимида миллий мумтоз мусиқамизнинг таниқли намояндалари, машҳур созандалар ҳамда фестиваль ғолиблари иштирокида алоҳида дастур намойиш қилинади. Бутун фестиваль давомида куй ва қўшиқлар жонли ижро этилади.



Фестиваль доирасида «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови ўтказилади. Бунда ҳар бир мамлакатдан ташриф буюрган қатнашчи ўз халқининг миллий қўшиғини ижро этади. Тақдим этилиши лозим бўлган мусиқий дастурлар халқ мусиқа ижодиёти намуналари, мумтоз ва замонавий миллий мусиқий йўналишлардан иборат бўлади.

Ғолибларнинг қўшиқлари диск орқали кўпайтирилиб, барча мамлакатларга тарқатилади. Танлов иштирокчиларини баҳолашда ўн бир кишидан иборат халқаро ҳайъат иш олиб боради. Ҳайъат аъзоларидан фақат бир нафари Ўзбекистон вакили бўлиши мазкур танловнинг нечоғли холис кечишидан яна бир далолатдир.

Фестиваль доирасида «Шашмақом анъаналари ва замонавийлик» мавзуида халқаро илмий-ижодий конференция ҳам ташкил этилади. Шу билан бирга катта, гала концерт бўлиб ўтади. Мусиқа байрамининг яна бир жиҳати шундаки, Самарқанд вилоятининг қатор туманларида фестиваль иштирокчилари билан учрашув ва концертлар уюштирилади. Анжуманга ташриф буюрган хорижлик санъаткорлар, мусиқа мухлислари, сайёҳлар юртимизда, жумладан, Самарқанд шаҳрида истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишадилар.

ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ПАХТАКОР ТУМАН МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАСИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах вилоят Пахтакор туман марказий касалхонасига қарашли шошилинч тиббий ёрдам бўлимини капитал таъмирлаш».

Қурилиш муддати — 2006 йил 30 сентябргача.

Буюртмачи манзили: *Пахтакор шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 3-уй.*
Телефон: *(8372) 35-3-22-73.*

Қурилиш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПК-29-сонли қарорининг 2-иловасига мувофиқ Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиниши шарти билан бепул бериш бўйича

Танлов эълон қилади.

Танлов ўтказилиш куни: 2005 йил 2-16-30 август

Вақти: соат 11.00да

Ўтказилиш жойи: Тошкент вилоят ҳокимияти

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин. Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:

А) ариза ҳужжатлар тўплами;

Б) техник ишлаб чиқариш таклифлари бўйича ҳужжатлар тўплами;

В) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати);

2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;

3. Таклиф этилган инвестицион ҳажми ва унинг киритилиши муддатлари;

4. Бизнес-режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).

Конвертлар муҳрланиб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармасига топширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПК-29-сонли қарорининг 2-иловасига ноль қийматда бериладиган давлат улушлари ва объектлари

РЎЙХАТИ

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активлари

№ т/р	Корхона ва объект номи	Жойлашган жойи (тум. шаҳ.)	Устав фондидаги давлат активи, фоизда		Танлов шартлари		
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	«Бекобод пилла» МЧЖ	Бекобод тумани	25	25	Фаолият тури сақлаб қолиш	15,0	1

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат корхоналари

№ т/р	Корхона ва объект номи	Жойлашган жойи (тум. шаҳ.)	Танлов шартлари			
			Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари	Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	инвестиция мажбуриятнинг минимал миқдорининг ҳажми (млн. сўм)	инвестиция мажбуриятнинг бажарилиш муддати, йил
1	2	3	4	5	6	7
1.	«Олмалиқ шаҳар босмахонаси» ДК	Олмалиқ шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	100,0	1,5

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат объектлари

№ т/р	Корхона ва объект номи	Жойлашган жойи (тум. шаҳ.)	Танлов шартлари			
			Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий	Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	инвестиция мажбуриятнинг минимал миқдорининг ҳажми (млн. сўм)	инвестиция мажбуриятнинг бажарилиш муддати, йил
1	2	3	4	5	6	7
1.	«Ўзбекрезинатехника» АЖга қарашли маданият уйи	Ангрен шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	70,0	1 йил
2.	«Ўзбекрезинатехника» АЖнинг қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	Ангрен шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	100,0	1,5 йил

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси. Телефонлар: 132-06-76, 133-67-22, 133-78-78, 136-06-27.

Биз билган ва билмаган тарих

ХОН САРОЙИДАГИ ФОЖИАЛАР

ЁХУД 1910 ЙИЛИ ХИВАДА САЙИД ИСЛОМХЎЖА ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АМАЛГА ОШМАЙ ҚОЛГАНИ ҲАҚИДА

1910 йил августда Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон вафотидан кейин ўғли Сайид Асфандиёр тўра Хива хонлиги тахтига ўтиради. Хонлигининг дастлабки палласиданоқ унинг эл фаровонлиги, шариат равнақи йўлида иш олиб бориши тўғрисидаги ваъдалари унут бўлиб, саройда ҳар хил иғво ва фитналар авж олиб кетди. Мансабдор амалдорларни кетма-кет қамоққа олишлар, зулм ўтказиб, қатл қилишлар Асфандиёрхоннинг мамлакатни бошқаришдаги асосий қоидасига айланди.

1911 йил февралда Давлатмурод Маҳрам осилди ва унинг кўплаб қимматбаҳо мол-мулклари, шу жумладан, 18 пуддан ортиқ олтин-кумушлари мусодара қилинди. Бу воқеадан кўп ўтмай Матмурод девонбегининг (Муҳаммад Раҳимхоннинг бош вазири бўлган) ўғиллари Ҳусайнбек, Шайхназарбой, Амангелдилар, Назарбой митар ва ўнтача сарой амалдорларининг ҳам мол-мулклари мусодара қилиниб, ўзлари ўн уч ой қамоқда сақланди. Бу каби воқеалар хонликда тез-тез юз бериб, уларга баҳона топишга хон атрофидаги иғвогар аёнлар доимо тайёр эдилар. Улар ҳатто Вазири акбар — Сайид Исломхўжани йўқ қилишнинг ҳам уддасидан чиқдилар. Бунинг учун ҳеч кимса жазога тортилмади.

Сайид Исломхўжа 1913 йилнинг 9 августида хон саройи «Нуруллабой»дан уйига қайтишда бир гуруҳ душманлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

Бош вазир ўтирган файтон «Рофаник» боғининг кунчиқар томонидаги «Ўғлон Азиз бобо» қабристони яқинидан ўтиб бораркан, тўсатдан икки киши ҳужум қилади. Улардан бири извошчига, иккинчиси Исломхўжага ташланади. Айрим манбаларда қотиллик қилинган жойга яқинроқдаги пистирмада яна ўнтача кишининг шай турганлиги ҳам тахмин қилинади.

Вазирнинг ёнида қимматбаҳо буюмлари ва пули бўлишига қарамасдан ёвузлар унинг чўғирмасидан (барра терисидан тикилган телпак) бошқа бирор нарсасига тегмайди. Чўғирмани эса иримсирим мақсадида олиб кетадилар. Чунки, ўша вақтда шундай ирим мавжуд бўлган: агар марҳумнинг бош кийимидан бир парчаси қуйдирилса, гўё жиноятчи ўзи келиб қотиллигини тан олар экан.

Ҳақиқатан ҳам, ўша пайтда Исломхўжанинг ёнида 750 сўмлик кредит билети, ўн сўмлик учта тилласи ва бошқа пуллари, баҳоси ўн минг сўмга тенг бриллиантли тилла тамакидони, 2500 сўмлик қимматбаҳо трубкаси ва 900 сўмлик тилла соати бўлган.

Вазирнинг жонига бундай йўсинда қасд қилиниши — уни йўқ қилиш учун амалга оширилган сиёсий фитна эди. Бу иш ниҳоятда махфий бўлиб, қотиллик орқасида қандай кучлар турганлиги ва унинг сабабчилари ўша пайтда сирлигича қолиб кетди. Халқ орасида эса вазирнинг фожиали ўлими тўғрисида узоқ вақтларгача турли миш-мишлар кезиб юрди.

Мазкур воқеага тегишли кўплаб архив манбалари синчиклаб ўрганилганда, бу қотилликдан хон саройидаги баъзи кимсалар манфаатдор бўлганлиги Матмурод девонбегининг ўғиллари шулар жумласидан эканлиги аёнлашади. Фожианинг эртаси куни ўзига келган извошчи Шайхназарбой ясовулбоши (девонбегининг ўртанча ўғли) хизматчиларидан учтасини ўша жойда кўрганлигини эслайди. Улар ҳибсга олиниб, негадир тезда қўйиб юборилиши ҳам шубҳалидир. Бу Исломхўжа фожиасининг сирли раҳнамолари айнан саройда эканлиги, шунингдек, Асфандиёрхоннинг олиб борган тутуриқсиз сиёсатидан далолатдир. Чунки, Асфандиёрхон 1911 йилда Исломхўжанинг хоҳишига кўра девонбегининг ўғилларини саройдан четлатиб, мол-мулкини мусодара қилган бўлса, кўп вақт ўтмасдан уларга яна мурувват қилди. Хусусан, Асфандиёрхон 1913 йил февралда Петербургга сафари пайтида подполковник Ҳусайнбекка хонлик тахтини ишониб қолдирди, иккинчи ўғил Шайхназар ясовулбоши эса ўша йил январда турли элатлар орасидаги норозиликни бостиришдек муҳим топшириқ олди. Хон девонбегининг кичик ўғли Амангелдини ўзи билан Петербургга олиб кетди ва у ерда биринчи даражали «Муқаддас Анна» орденига тавсия қилинди.

Девонбегининг ўғиллари қандай вазиятда бўлмасин, хонга бош вазир Исломхўжа ҳақида турли бўҳтонлар ёғдиришдан чарчамайди, ҳатто бу йўлда Русия ҳукуматидаги мансабдорларни ҳам унга қарши қўйишга, уни обрўсизлантиришга ҳаракат қилади.

Жумладан, 1913 йил январида Ҳусайнбек Туркистон генерал-губернаторлигининг Амударё бўлими бошлиғи Ликошин ҳузурида бўлиб, унга айрим сарой амалдорларининг 1911 йилда хон ғазабига учраб, оғир қулфатларга дучор бўлиши ва хонга қарши кўтарилишлари сабабчиси Исломхўжа деб иғво қилади. Хусайнбек Ликошинга берган ахборотида ўзларининг (яъни Матмуроднинг ўғиллари) 1911 йилдан саройдан четлаштирилиб, мусодара қилинган бир миллион сўмдан ортиқроқ мол-мулкидан айрилишида ҳам Вазири акбарнинг қўли бор деб тўҳмат қилади.

Асфандиёрхоннинг палапартиш сиёсати туфайли илгари саройдан четлатилган амалдорлар яна сарой хизматига тортилгандан кейин, аёнлар ўртасида ўзаро зиддият мураккаблашади. Эндиликда бу курашлар Исломхўжанинг хонга таъсирини бўшаштиришга қаратилиб қолмасдан, уни бутунлай бадном қилиш кўзланган эди. Шу мақсадда улар Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон оламдан ўтган пайтда Исломхўжани хон саройи — аркда беш сандиқда сақланаётган (бир ярим миллион сўм миқдордаги) пулларни олиб кетишда ҳам айблайдилар. Шуниси ажабланарлики, Асфандиёрхон Петербургдан қайтиб келиши билан девонбегиларга бутунлай эътиборсиз бўлиб қолди, уларга давлат хизмати юзасидан ҳеч қандай топшириқ ҳам берилмади, аксинча улар қаттиқ назоратга олинади.

Юқорида қайд қилганимиздек, Асфандиёрнинг бундай сиёсати сарой амалдорлари орасидаги келишмовчиликни янада кескинлаштириб юборди, девонбегиларнинг яна саройга яқинлашиш, хоннинг ишончини қозониш йўлидаги ҳаракатлари кучайиб кетди. Бунинг учун улар турли усулларни ишга солдилар. Натижада сарой ҳар хил иғво ва фитналар уясига айланиб қолди. Иккита қарама-қарши гуруҳ — Исломхўжа ва девонбегилар орасидаги кураш жиддий тус олди. Пировардида, бу кураш фожиали якунланди.

Яна бир гуруҳ — Матвафо Баққолов бошчилигидаги Абдурраҳмон Баққолов ва жияни Шарифлардан иборат гуруҳ ҳам Матвафо Баққолов хонга яқин бўлиш, бош вазир Исломхўжанинг ўрнини эгаллаш учун кураш олиб боради. Улар ҳам бир вақтлар хон ғазабига учраб, Амударё бўлими бошлиғи полковник Колосовский ёрдамида ўз нуфузини тиклаганди. У Исломхўжа қатлидан сўнг бош вазирлик лавозимини эгаллашга эришди.

Отамурод ҚЎШЖОНОВ, тарих фанлари номзоди, доцент.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Тошкент шаҳар Юнусобод туманида фаолият юритаётган салқин «Меркурий» ичимлиги хусусий фирмаси код ОКПО 16112741 СТИР 201715718

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 21-30-37.

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ҳайъати Марказий Кенгаш масъул ходими В.А.Абдусаматовга опаси **Отуной Абдуллаевна МУРОДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказ ходими Лилия Шавкатовна Аҳмедовага онаси **Умида Раҳимовна МУҲАМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepberген QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 655

t — Тижорат материали

O'zA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda